

## ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИДА МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Хашимов Пазлиддин Зукурович

ЎзМУ и.ф.н., проф.в.б.

Холмирзаева Махлиё Зариф қизи

ЎзМУ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6939179>

**Аннотация.** Иичи кучи ресурсларининг мутаносиб бандлигини таъминлаш барқарор ўсиши жараённида муҳим аҳамият касб этади. Мехнат бозорида иичи кучи ресурсларининг талаб ва таклиф даражаси бир қатор ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Иичи кучи, меҳнат ресурслари, иичи кучининг нафлилиги, иичи кучининг фаол кисми, инсон салоҳиятли.

## ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОПОРЦИОНАЛЬНОСТИ НА РЫНКЕ РАБОЧЕЙ СИЛЫ

**Аннотация.** Обеспечение стабильной занятости трудовых ресурсов имеет важное значение в процессе устойчивого роста. Уровень спроса и предложения трудовых ресурсов на рынке труда напрямую связан с рядом социально-экономических процессов.

**Ключевые слова:** Рабочая сила, трудовые ресурсы, производительность труда, активная часть рабочей силы, человеческий потенциал.

## WAYS TO ENSURE BALANCE IN THE LABOR MARKET

**Abstract.** Ensuring adequate employment of labor resources is important in the process of sustainable growth. The level of demand and supply of labor resources in the labor market is directly related to a number of socio-economic processes.

**Keywords:** Labor force, labor resources, productivity of the labor force, active part of the labor force, human potential.

## КИРИШ

Мехнат бозори таркибий тузилишининг асосий унсурларини ишчи кучига бўлган талаб, ишчи кучига бўлган таклиф, ишчи кучи қиймати ва баҳоси, ишчи кучиниёллашдаги рақобат ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай иқтисодий мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этиб, меҳнат бозорида аҳоли бандлиги ўзига хос иқтисодий мутаносиблик бўлиб ҳисобланади. Мехнат бозорида мутаносибликни таъминлаш, албатта, ишчи кучи талаби ва ишчи кучи таклифининг мувозанатлашуви билан изоҳланади.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мехнат бозорида ишчи кучи таклифи оқимининг юқори даражада бўлиши мамлакатда вужудга келадиган қўйидаги ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқ:

- Аҳолининг табиий ўсиши (қўйидаги жадвалда Республика худудлари бўйича асосий демографик кўрсаткич, туғилганлар сони келтирилган):

1-жадвал

Ўзбекистон худудлари бўйича туғилганлар сони

Туғилганлар сони

| (йилда, минг киши)           |              |              |              |
|------------------------------|--------------|--------------|--------------|
|                              | Жами         | Шу жумладан: |              |
|                              |              | Киз болалар  | Ўғил болалар |
| 2019                         |              |              |              |
| Ўзбекистон Республикаси      | 814960       | 391698       | 423262       |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 41137        | 19892        | 21245        |
| <b>Вилоятлар:</b>            |              |              |              |
| Андижон                      | 77603        | 37488        | 40115        |
| Бухоро                       | 41141        | 19607        | 21534        |
| Жizzах                       | 36457        | 17571        | 18886        |
| Қашқадарё                    | 86728        | 41289        | 45439        |
| Навоий                       | 22770        | 10934        | 11836        |
| Наманган                     | 71830        | 34455        | 37375        |
| Самарқанд                    | 100656       | 48298        | 52358        |
| Сурхондарё                   | 72680        | 35158        | 37522        |
| Сирдарё                      | 20744        | 9922         | 10822        |
| Тошкент                      | 64086        | 30639        | 33447        |
| Фарғона                      | 87751        | 42376        | 45375        |
| Хоразм                       | 41092        | 19783        | 21309        |
| <b>Тошкент ш.</b>            | <b>50285</b> | <b>24286</b> | <b>25999</b> |

- Аввал ишламаган, иш қидирмаган иқтисодий нофаол аҳоли (ўқувчилар, талабалар, аёллар, кўп болали оналар) нинг иқтисодий фаол аҳоли қатламига айланиши;
- Кўшимча даромад истагида юқори даромадли иш ўринларига бўлган эҳтиёж натижасида меҳнатда банд кишиларнинг меҳнат бозорида пайдо бўлиши ва иш билан бандларнинг ўз иш ўринларининг йўқотиши натижасида ишсиз аҳоли қатламига кўшишлари;
- Меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ёшларнинг ишчи кучи сифатида меҳнат бозорида намоён бўлиши;
- Ишчи кучининг миграцион ҳаракати, иш ёки яшаш жойларининг ўзгариши ва бошқалар.

Ишчи кучи миграцияси – бу турли омиллар таъсири остида (масалан, иш ҳақи даражасидаги ўзгаришлар, ишсизлик ва ҳ.к.) ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб ўтишидир.

Ишчи кучи миграциясининг турлари:

Ички миграция – бу бир мамлакат ичida рўй берадиган миграция. Халқаро миграция – бу халқаро миқёсда рўй берадиган миграция. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб давлатдаги иқтисодий ўсиш, тараққиёт суръати, инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан белгиланади.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича иқтисодий фаол аҳоли, бандлар ва ишсизлар сони<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

|                                 | Иқтисодийфаолаҳоли<br>сони жами, минг киши | Улардан:            |               | Аҳолининггиқтисидайфоаол<br>ликдаражаси, фоизда | Аҳолинингбандликаража<br>си, фоизда | Ишсизликдаражаси,<br>фоизда |
|---------------------------------|--|---------------------|---------------|---|-------------------------------------|-----------------------------|
|                                 |  | Ишбилиан<br>бандлар | Ишсиз-<br>лар |   |                                     |                             |
| Ўзбекистон<br>Республикаси      | 14876,4                                    | 13541,1             | 1335,3        | 75,0  | 68,3                                | 9,0                         |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси | 782,2                                      | 711,3               | 70,9          | 69,2  | 63,0                                | 9,1                         |
| <i>Вилоятлар:</i>               |  |                     |               |   |                                     |                             |
| Андижон                         | 1413,9                                     | 1284,5              | 129,4         | 77,2  | 70,2                                | 9,2                         |
| Бухоро                          | 875,4                                      | 797,1               | 78,3          | 76,2  | 69,3                                | 8,9                         |
| Жizzах                          | 590,3                                      | 536,2               | 54,1          | 74,0  | 67,2                                | 9,2                         |
| Қашқадарё                       | 1345,3                                     | 1220                | 125,3         | 70,7  | 64,1                                | 9,3                         |
| Навоий                          | 450,9                                      | 412,7               | 38,2          | 75,9  | 69,5                                | 8,5                         |
| Наманган                        | 1214,7                                     | 1104,6              | 110,1         | 73,2  | 66,5                                | 9,1                         |
| Самарқанд                       | 1604,2                                     | 1455,8              | 148,4         | 72,1  | 65,4                                | 9,3                         |
| Сурхондарё                      | 1128,8                                     | 1024,2              | 104,6         | 74,0  | 67,2                                | 9,3                         |
| Сирдарё                         | 385,9                                      | 350,1               | 35,8          | 76,1  | 69,0                                | 9,3                         |
| Тошкент                         | 1353,5                                     | 1232,9              | 120,6         | 78,5  | 71,5                                | 8,9                         |
| Фарғона                         | 1644,8                                     | 1492,6              | 152,2         | 74,5  | 67,6                                | 9,3                         |
| Хоразм                          | 810  | 736,5               | 73,5          | 72,8  | 66,2                                | 9,1                         |
| Тошкент ш.                      | 1276,5                                     | 1182,6              | 93,9          | 86,9  | 80,5                                | 7,4                         |

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мехнат бозорида ишчи кучи талабининг юқори даражада бўлиши, давлатнинг амалга ошираётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлари натижаси ва самарасига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш,

тадбиркорлик соҳасида имтиёзларнинг яратилиши, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамлиги, уларни рағбатлантириш, шунингдек, яратилаётган иқтисодий неъматларнинг сифат ва микдорини ошириш имкониятига эга бўлиш билан бир қаторда бўш иш ўринларининг яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврида меҳнат бозорида қатор муаммолар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Мана шундай муаммолардан бири ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш масаласи бўлиб ҳисобланади. Аҳолини иш билан таъминлаш ва уни қайта шакллантириш иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятта эга. Мамлакат иқтисодиётида юз берадиган таркибий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш йўналишлари ҳам ўзгариб боради. Бу жараёнда ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда давлатнинг бошқаруви талаб этилади. Мана шундай ҳолатларда бўш турган ёки бўшатиб олинаётган ишчи кучини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаларидан имкон қадар самарали фойдаланиш зарурияти юзага келади. Аксинчабўлса, ихтисослиги бўйича иш билан таъминланмаган ишчи кучи иш излаб хорижга чиқиб, меҳнат мигрантларига айланиб қолиш эҳтимоли юқори.

## МУҲОКАМА

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек мамлакатда ишчи кучи талабининг ортишида мамлакатда қўллаб-қувватланаётган, рағбатлантирилаётган тадбиркорлик ҳам катта аҳамиятта эга. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнингасосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатнинг ривожланишини, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар турлари билан тўлдиришни, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг кенг қатламини яратишни тақозо этади.

Буларни ҳисобга олиб, бугунги кунда Республикада қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим:

- Аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, улардаги боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф қилиш, аҳолида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан фаол шуғулланиш истагини ўйғотиш;
- Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш;
- Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг сонини имкон қадар ошириш, ҳудудларда кичик корхоналар ташкил этиш йўли билан вақтинча ишсиз юрган кишиларни қўшимча иш жойлари билантаъминлаш;
- Минтақаларда бозор муносабатлари ва инфратузилманинг риволанишини жадаллаштириш, фаол иқтисодий рақобатни кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш.

## ХУЛОСА

Бугунги кунга келиб, ривожланиб бораётган Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш масалалари юзасидан қатор енгилликлар яратилган. Жумладан, рақамлаштирилган технологиялар ёрдамида, тез фурсатлар ичida ортиқча куттиришлардан ҳоли бўлган ҳолда, электрон ҳукумат воситалари, ягонадарча, my.gov.uz тармоқлари орқали субъектлар рўйхатдан ўтказилмоқда.

Республикамизда тадбиркорлик соҳасини ислоҳ қилиш ва яхшилаш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик соҳасида давлат назоратининг сифати ва қўламини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида давлат назоратини тубдан такомиллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсад қилинган ва соҳадаги давлат назоратини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

- фуқароларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоатва давлат хавфсизлигига зарап етказмайдиган фаолият турларини назорат қилиш билан боғлиқ функцияларни мақбуллаштириш ҳамда самарасиз назорат функциялар амалга киритилишининг олдини олиш механизмларини жорий қилиш;
- ахборот технологияларини кенг қўллаган ҳолда «ақлли назорат» моделини жорий қилиш, соҳага оид барча маълумот ва жараёнларни рақамлаштириш, “хавфни таҳлил қилиш” тизими ёрдамида давлат назоратини устувор равишда “электрон инспектор” усулида амалга ошириш амалиётини йўлга қўйиш;
- ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш стандартини жорий этиш, меъёрий-хукуқий ҳужжатларданазардатутилган мажбурий талабларга инсофли риоя этилишини рағбатлантириш механизмларини йўлга қўйиш;
- давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ маълумотлар очиқлиги ва оммабоплигини таъминлаш, коррупция, манфаатлар тўқнашуви, шунингдек меъёрий-хукуқий ҳужжатлар меъёрларининг танлаб қўлланилиши ҳолатларининг олдини олиш;
- мансабдор шахсларнинг давлат назоратини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш учун етарли билим, малакава кўникмага эга бўлишига оид алоҳида талабларни белгилаш.
- 2020 йилнингянварь-мартида 23,3 мингтадан ортиқ кичик корхонава микро фирмалар (фермер ва дехқон ҳўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга камайди. Фикримизча, бунга бутун дунёда рўй берган пандемия таъсир этган. Энг кўп кичик корхона ва микро фирмалар савдо соҳасида (39,9 %), саноат соҳасида (18,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалигига (11,3 %), қурилиш соҳасида (7,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (7,4 %), ташишвасақлашда (2,8 %) ташкилэтилган.

## REFERENCES

1. Rahimova D., Abdurahmonov O. “O’zbekistonda mehnat bozori va ta’lim tizimining boshqarilishida o’zaro aloqadorlik”/ ta’lim menejmenti/-2010yil 6-soni
2. Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда. Экономическая теория труда. Учебное пособие - М.: Инфра М. 2011. (серия “Высшее образование”)
3. Генкин Б.М. “Экономика и социология труда” Учебник для вузов” – М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 2010.
4. Экономика труда. Учебное пособие. / Под общ. ред. К.Х.Абдурахмонова, Ю.Т.Одегова. – Т.: ТФ РЭУ, 2011.
5. Ширина И.В. Конкурентоспособность молодых специалистов по оценке руководителей. // «Социальная политика и социология», 2011, №2.

6. Экономика труда. Учебное пособие. / Под общ. ред. К.Х.Абдурахмонова, Ю.Т.Одегова. – Т.: ТФ РЭУ, 2011.
7. Usmanova, D., & kizi Shodieva, G. N. ISSUES OF CLASSIFICATION OF WORD CATAGORIES IN THE UZBEK.
8. Qizi, S. G. N. (2022). ISSUES OF CLASSIFICATION OF WORD CATAGORIES IN THE UZBEK. *Science and innovation*, 1(B3), 812-816.
9. Komilova, N. A. Comparative Analysis of “Gender” Concept and Issues of Gender Field in English and Uzbek Languages. International Journal of Social Science and Human Research, 5(6), 2191-2194.
10. Shodiyeva, G. N. K., & Dustmatov, H. (2022). CLASSIFICATION OF WORDS IN UZBEK AND ENGLISH: IN THE EXAMPLE OF VERBS. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(4), 234-237.
11. qizi Shodieva, G. N., & Dusmatov, H. H. (2022, July). RINCIPLES OF DIVISION OF WORD CATAGORIES IN UZBEK LANGUAGE. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 11, pp. 38-43).
12. Тухтаева, К. Д. (2020). SEMANTIC ANALYSIS OF THE PHRASEOLOGICAL UNITS OF THE ENGLISH, UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES WITH THE NAMES OF VEGETABLES AND FRUITS. *ИНОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, (SI-3).
13. Kh, R. (2020). DIRECTIONS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP DEVELOPMENT IN HIGHER EDUCATION IN UZBEKISTAN. *The Scientific Heritage*, (53-3), 22-24.
14. Захидова, Ш. Ш., & Режапов, Х. Х. (2016). Модернизация высшей школы. *ББК 72 я 431 А 43*, 32.
15. Умаров, И. Ю., Режапов, Х. Х., & Узбекистан, Р. (2015). Международные рейтинги и рейтинговая система Узбекистана. *Редакционная коллегия: ОК Акулова, директор Кировского филиала МФЮА ЕВ Каранина, доктор экономических наук, профессор СН Родыгина, кандидат философских наук, доцент*, 428.
16. Режапов, Х. Х. (2017). Мехнат ва олий таълим хизматлар бозорларини моделлаштириш хориж тажрибаси. Ж. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 1.